



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2014-yil 1-avgust • №31 (4274)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

МУСТАҚИЛЛИК МАЪНАВИЯТИ

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида ана шу улуг айёмни муносиб кутиб олиш ва ўтказишга доир маънавий-маърифий тadbирларда, аввало, биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида эришилган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз аҳолиси ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, уларнинг қадр-қимматини чуқур англашга эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланган.

Йигирма уч йиллик мустақил тараққиётимиз даврида «Инсон манфаати — ҳар нарсадан улуг», «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият», «Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун», «Хамма нарсаси инсон учун, унинг келажаги учун», «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон», «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон», шiorлари барча давлат идоралари, шу жумладан, ички ишлар ходимлари фаолиятининг маз-

мун-моҳиятида тўқис намоён бўлмоқда. Президент қарорида бу йилги мустақиллик байрамимиз «Ягонасан, муқаддас Ватаним, сеvgи ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғоя остида ўтказилиши белгилаб қўйилди. Шу муносабат билан бу борадаги ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларда мазкур шior моҳиятидаги асосий тушунчаларга эътибор қаратиш лозим. Негаки, юртдошларимиз дунёқарашини шакллантириш, жамоатчиликни кенг қамровли масалаларни ҳал этишга сафарбар этишда ушбу ғоянинг аҳамияти бекиёсдир.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «Ватан» — киши туғилиб ўсган жой, шаҳар, қишлоқ, юрт, диёр ёхуд киши ўзини фуқароси ҳисоблаган мамлакат, она юрт, деб қайд этилган. Бинобарин, бир халқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг ажодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудудни ифодалаганда Ватан тушунчаси кенг маънога эга бўлади. Яъни, тили, эътиқоди, урф-одатлари ва миллий хусусиятлари бир бўлган авлодлар яшаётган жуғрофий муҳит — Ватанини ифодалайди. Киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ, шаҳар назарда тутилса, бу уни тор маънода тушунишдир. Ҳазрат Алишер Навоий «Ватан» сўзини она юрт, туғилиб ўсган жой, маскан, манзил маъноларида қўллаганлари ҳақида ўқиганмиз. «Ватан останада бошланади», деган ҳикмат ҳам бежиз айтилмаган.

Давоми иккинчи саҳифада.

Бурчимиз

— Кўнғирокни Мафтуна чалар экан! Жажжи қизалоқлар вижир-вижир қилиб янгиликни бир-бирларига етказишди. Барча оппоқ бантик таққан, мактаб формаси ўзига жуда ярашиб, синфда ҳам аълочилар қаторида турадиган Мафтунанинг кўнғирок чалаётган ҳолатини кўз олдига келтирди.

— Нега айнан у? — Салима қошларини чимирди. Шу чоқ синфхонага кириб келган муаллим баҳс кизгин кетаётганини кўриб, бу янгиликнинг изоҳини ўқувчиларига тушунтира бошлади:

«Ортимдан юр», деганча йўлга тушди. Икки кўча ўтиб, муъолишдаги дарвоза олдида тўхташди.

— Бу уйда неча йиллардан буён туман поликлиникасида ишлаётган кўли энгил Баҳодир дўхтир яшайди. Унинг катта қизи бу йил институтни тамомлади. Келин қилсанг, шундай қизни келин қилсан-да! Одоб-ли, оқила, яна отаси билан ҳамкасб ва энг муҳими — ўқимишли!

Раҳим бобонинг кўнгли нурдек ёришиб кетди.

боғлаб, эртадан иш бошлайди. Ая қизининг ортидан узоқ дуо қилди.

Ҳурматли абитуриент ука-сингиллар! Бундан бир неча йил олдин ака-опаларингиз ҳам худди сизлар сингари ҳаяжонланиб, дилида ҳавотир ва ишонч билан сиз турган останада туришганди. Бугун улар — Мафтунанинг опаси, Раҳим бобонинг набира келинию аҳиддан қайтмайдиган Лобарлардир. Ўқишни тугатиб муста-

Ифтихор

МЕНИНГ БАХТЛИ ЗАМОНДОШЛАРИМ

— Мафтуна зиёлилар оиласидан, ўзи ҳам аълочи қиз. Унинг ака-опалари нуфузли олий ўқув юртиларида таълим олишади. Бу йил унинг яна бир опаси университетга ҳужжат топширди. Сизлардан ҳам мана шундай илм масканларида билим олиш учун тинимсиз ўқиш, меҳнат ва ҳаракат талаб қилинади. Мафтунага эса ҳавас қилиш, унинг ака-опалари сингари катта даргоҳларда билим олишининг зарур, албатта!

Раҳим бобо неварасини уйлантириш учун роса ўйланди. Невара ҳам у қизни ундок, бу қизни бундок деб ҳеч берига ён бермади. Шу ўйлар билан кўча бошига етганида эски танишлардан бирини кўриб қолди. Салом-алик, ҳола-ахволдан кейин бобо ташвишдан сўз очиб: «Уйланишдан ҳам уйлантириш қийин экан», дея дўстидан маслаҳат сўради. Дўсти ҳам ўйлашиб турди-да,

Лобар уйга кўтаринки кайфиятда кириб келди. Тандир бошида қуймаланаётган она қизининг димоғи чоғлигини пайқаб:

— Тинчликми, қизим? Об-ҳаволар бошқача? — дея сўради.

— Ниҳоят, ўзим орзу қилган ташкилотга ишга олишди, аяжон! Мени табриклашингиз мумкин.

Аянинг юраги бир ҳаприқиб тушди. Қувонгандан қизини қучиб табриклади. Ўқийман деб болалигидан отаси билан тортишадиган қизи қаршиликларга қарамай тинимсиз китоб титқилаб, ўз қучи-билими билан институтга кирганидагина отаси таслим бўлди. Фарзандининг меҳнати зое кетмасин дедими, ишқилиб фотиҳа бериб, камолини тилади. Мана бугун шу қорақўз қизгина ота-она ишончини оқлаб, ўқишни тамомлади. Энди эл-юрт хизматиға бел

қил ҳаёт деган катта бир майдонда ўз ўрнини топиб сўзини айтатирилар. Ва сиз каби минглаб ёшларнинг фахрига айланишди.

Келажақда нуфузли даргоҳларда таълим олиб ука-сингиллар фахрига айланишни, эртага эл-юрт, жамият орасида зиё тарқатишни, ота-она дилларини шодликларга тўлдириб, ниятларига етказишни орзу қилган азиз йигит-қизлар! Талабалик сари бир қадам қолди. Қучлилар ичида энг қучлиси, билимдонлар ичида етакчи бўлиш учун беллашиш шарт ва зарур. Унутмангки, сизни дуо қилиб ота-онангиз, бобою момонгиз ва бутун элдошларингиз кутмоқда. Омад сизга ёр бўлсин, менинг бахтли замондошларим!

Вазира ИБРОҲИМОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети талабаси

“БОРДУРУР ТОҒ ИЧИНДА БИР КИШВАР...”

Бир кун фарзандларим билан яқин дўстимникига меҳмонга бордик. Жажжи қизалоғим меҳмонга келганидан жуда хурсанд бўлди. Дўстимнинг болалари билан тўйиб-тўйиб ўйнади. Рост гап, дўстим иккимиз уларнинг иноқликларига қараб ҳавасимиз келди. Яшириб нима қилдим, уларга қўшилишиб ўйнадик ҳам. Бу ҳам дилга бир завқ бағишлар экан. Кун оғиб, қуёш аста ётоғига йўл олган чоғда, негадир қизим келиб: «Дада туринг, энди кетамиз», деб қолди.

Уйимиз олдидаги гулларга сув қуйиб туришни яхши кўраман-да. Ана, уйимизга ҳам келдик. Эшикни ўзим очаман. Унинг шу дамдаги шодлигини таърифлаб бўлармиди. Чиндан ҳам унинг кўзига бутун олам гўзал кўринаётгани рост эди. Чунки у ҳадемай ўз уйига қиради. Ҳа-ҳа, жажжигина қизалоқ жажжигина Ватанига қиради. Аслида ҳам бу оламда Ватандан улуг нима бор ўзи. Ҳамма туйғулар аввалида Ватанга, элга бўлган чин ва самимий муҳаббат туради. Бу муҳаббатга таърифу тавсифнинг асло кераги йўқ. Негаки, киши қалбидаги бу туйғуларнинг барчаси мерос. Улуг ажодлардан мерос, бобою момолардан мерос. Ота-оналарнинг қонидан, тарбияси орқали ўтиб шууру онгимизга сингиб кетган бу туйғу. Бу туйғу юракларни поклайди. Орзуларимизни меъувор қилади. Улуг ажодларга муносиб фарзанд бўлишга ундаб туради. Шу нарсани англаб яшашнинг ўзи энг катта неъматдир.

Давоми иккинчи саҳифада.

Эл обод — дил обод

Мен унга ҳали барвақт эканлигини қанча тушунтирмай, у: «Йўқ қолмайман, бу ер ҳам яхши, лекин ўзимнинг уйимга кетаман», деб йиғлай бошлади. Уша пайтда дўстимнинг кўнглидан нималар кечди билолмадим, аммо менинг кўнглимда ажиб бир қувонч пайдо бўлди. Ахир, жажжигина болакайнинг қалбида ўз уйига бўлган муҳаббат борлигини англаш кишини шод айламайди! Унинг уйи — Ватани бор, ахир! Бошқа

жойлар барибир уни зериктиради. Ўз уйининг ўрнини боса олмайди. Дўстлар ҳам, уларнинг турли туман кўнғироклари ҳам, қувлашмачоғу беркинмачоқ ўйинлар ҳам... ҳамма-ҳаммаси уйини соғинган паллада кўзига кўринмай қолади. Кейин дўстим билан хайрлашдик. Уйга яқинлашимиз билан қизимнинг кўнгли ёриша бошлади: «Дада, бизнинг кўчамиз энг яхши кўча, шундайми... Дада, уйимиз олдидаги арчалар чиройли-а. Қаранг-қаранг, мана бу гуллар бирим гўзал очилибди-ки. Кўраёписмиз ўзи.

ҚАНОАТ ФАНИ

Хусусан, «Хайрат ул-аброр»да қаноат бобида жуда ўринали фикрларни илгари сурди. Масалан, шоир китобхонига мурожаат қилиб, «қаноат»ни кишилик хислатининг асоси бўлишини таъкидлар экан, шуни қасб этган одам ҳазина толгандек ганий, бой бўлиши муқаррарлигига ўқувчини ишонттиради:

Кимгаки иш бўлди қаноат фани,
Билки ани қилди қаноат фани.

Навоий кишилик табиатида вақтинчалик айш-ишратга берилишни қоралар экан, бу қанчалик дилқаш, одамга хуш ёқмасин, барибир оқибати ёмонлик билан тугашига ишора қилади, бундай ҳолатда киши ҳаё меъзони унутмаслиги, адаб чегарасидан чиқмаслиги зарурлигини таъкидлаб ёзади. Бу, айниқса, ҳозирги ёшларга

Топса қаноат сори ҳар кимса йўл,
Шоҳ бу тақдир ила ул бўлғай, ул.

Мулк ила ўзни демагил аржманд,
Мулки қаноат била бўл сарбаланд.

Таъмағирлик, Навоий қарашча, кишилик хислатининг энг қабиҳ жиҳати. Улуг шоир ўзига мурожаат қилиб дейди:

Қилма, Навоий, тамаъ элдин дирам,
Бор эса берсанг худ эрур ул қарам.

Навоий ҳамиша кишилик ахлоқини белгилашда адабиётни халққа хизмат этиришга интильди, асарларида элнинг инсоний фазилатлар сари қорлаб, тарбиялашга ҳаракат қилди.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори

Муҳаммад ЮСУФ, Ўзбекистон халқ шоири

ЎЗБЕК БОЛАСИ

Кўк далам, кўм-кўк далам,
Озод диёрим даласи.
Бир томон қайнар булоқ,
Бир ёнда ойнинг шуъласи.

Бунда булбул чақ-чақи,
Бунда кўнглир поласи.
Ҳандалак ҳиди билан
Улғайди ўзбек боласи.

О, ҳаёт, гулгун ҳаёт,
Ҳамиша бор бўлгин ҳаёт.
Бахтимга кўз тегмасин,
Менга ёр бўлгин ҳаёт.

Тарқалибмас, тўпланиб,
Жамланиб ҳар жоласи.
Бир тану бир жон бўлиб,
Кўпайди ўзбек боласи.



Парча ер, барча булут,
Парча осмонга шуқур.
Менга тақдир тухфаси
Нурли маконга шуқур.

Тушмагай, тўқилмагай,
Сочларингни толаси.
Юрт учун ҳеч нарсадан,
Қайтмайди ўзбек боласи.


Биз аҳил, олам аҳил,
Гулу гиёҳлар аҳил.
Тоғдаги тошлар аҳил,
Богда япроқлар аҳил.

Хуш эрур шотутларнинг
Сув бўйида сояси.
Тутбешиқлар бағрида
Улғайди ўзбек боласи.

Юрт тўла беланчагу,
Офтоб унинг дояси.
Кўк далада ризқ териб
Халқ бўлди ўзбек боласи.

Ориф ТОЛИБ

БАТАН — ОР ТИМСОЛИ



ОНАМ

Мендан олисларда, мендан узокда,
Тонглардан узокда, кундан узокда,
Ўғлисиз хувиллаб қолган қишлоқда,
Ўғлимга интизор онам бор менинг.

Дарё кўнгли недан яралган экан,
Бунчалар теран у, бунчалар улкан.
Хаффа бўлишнинг эпломлайдиган
Содда ва беозор онам бор менинг.

Қанийди, шу бахтга ета олсайдим,
Шу катта синондан ўта олсайдим —
Онам кўнглини шод эта олсайдим,
Ўғлидан умидвор онам бор менинг.

Балки тушларида мени кўргандир,
Келар деб нонга сўт излаб юргандир,
Ўғли бошида илҳақ кутиб тургандир...
Ўғлимга интизор онам бор менинг.

ХИЗМАТДОШ
ДЎСТЛАРИМГА

Бир хил юр, деб уқтирар сержант,
Бир хил тур, деб уқтирар сержант.
Ухлар бўлсанг, тушларингни ҳам
Бир хил кўр, деб уқтирар сержант.

Бир хил тушмас аммо негалдир,
Пойма-пойдир қадамларимиз.
Қимдир сафдан қолиб кетади,
Ўзиб кетар илдамларимиз.

Бир ҳафтами, ўн кунми ўтгач,
Изга туша бошлар ҳаммаси.
Тарбиялар бизларни чанқаш,
Ва тошўлнинг ўтдек нафаси.

Ҳаётда-чи, аммо ҳаётда
Тенг тушмайди асло қадамлар.
Қимлар қолиб кетади орда,
Илгарилар кетади қимлар.

Буни ўнглаб бўлмайди ҳаргиз,
Ҳар ким қўлдан келганча яшар.
Лекин, дўстлар, шу юрт учун биз
Бир умрга аскаримиз, аскар.

— Умри билан берган бўлсин!

— Ҳалвоми? Қандай яхши. Мен сизга айтсам, қиз бола отасига жа меҳрибон бўлади-да. Тўғри, мен бунга билмайдим. Ўғилларим белмига мадор бўлади десам, синдириб ташлашяпти, баччагарлар.

— Ўғил бўлса яхши бўларди!

— Э-е, ўғилни, қизми берганига шукур.

Шу ва шунга ўхшаш гаплар беришдан иккинчисига учинчисидан бешинчисига ўтиб бутун қишлоқ бўйлаб тарқалиб юрарди. Олимқул аканинг хотини қирқ ёшли Ойсанам опа, худди ёш келинчақ мисол уялган бўлиб, рўмолининг учини лабига қистириб, ерга қараган бўлди.

Аёллар чақолакни қўлига олиб аркалаб, суюнчилади. Ҳали рангини билиб бўлмаса-да, бири олиб-бири қўйиб гоҳ эрига, гоҳ ўзига ўхшатди.

Одабийлик шундаки — улар бир-бирини яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам, секинчаю қайтувчанча ёлғизлаштиб қўймади. Олимқулнинг бу ўйга келишига қишлоқнинг нариги четида яшайдиган, Зулфиянинг қизига ақин қўлида бир тугун билан қилиб келгани бўлди. Момонинг ёши саксондан ўтган неча йилки ёлғиз яшарди. Худо унга тирноқ бермаган. Момо эри қайтиш қилган эллик ёшда эди. Мана шунга ҳам ўттиз йил бўпти. Олимқул аканинг, кеч бўлганда сизга зарилмиди, айтсангиз ўзим елкаларимда кўтариб келардим, деган сўзига момо бундай жавоб қилди:

— Сен бола ўзингни кўп қойима. Ҳали елкамга бу қизчаг шунчагга кўп миқдорда, дод деб юборасан. Бу бирламчи. Сўғин мени қариб,

Майли турфа кечсин кунимиз,
Ҳар хил бўлсин бизда қувонч, дард.
Аммо шу эл, шу Ватанни биз,
Бирдай ҳалол севмоғимиз шарт!

АСКАР
ҚЎШИҒИ

Сафларда қад кериб турган эй, аскар
Билгил, мардни кўрса, чекинар хатар.
Юракни, билакни этил сафарбар,
Гулдай диёрингни асра ҳамиша!

Дуоси, сўзлари ёдингда турсин,
Нур инган юзлари ёдингда турсин,
Меҳрли кўзлари ёдингда турсин,
Онаизорингни асра ҳамиша!

Сингилни бор — тегрангла парвона, ҳалак,
Оға-ининг эса — мағрур, довиюр.
Чин дўстларинг бўлар юракка тиргак —
Қаторда норингни асра ҳамиша.

Бир кунни омадинг, бахтинг қулади,
Уйинг ҳам, кўнглинг ҳам фэйзга тўлади.
Боланга муносиб она бўлади —
Интизор ёрингни асра ҳамиша!

Ватан — ор тимсоли, Ватан — номус, шон,
Номус билан азиз саналгай инсон.
Сен орингга кўрсан, ор — сенга кўрсан,
Орингни — борингни асра ҳамиша!

УЗИЛГАН ТОР
СИМЛАРИ МИСОЛ

Узилган тор симлари мисол,
Шарт бурилиб, орта кетгаймиш.
Бари тамоми, йўқдир ишқ, висол,
Бошқа-бошқа йўлни тутгаймиш.

Бир ҳол сабаб музлади туйғу,
Бир ҳол сабаб ишқ топти заво:л
Сен қўпларга ёқсан ва бу,
Сенга жуда ёқади, дилдор.

Ориф ТОЛИБ 1987 йили туғилган.
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети халқаро журналистика
факультетини тамомлаган. Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлиб
“Урашув” номли ilk шеърый китоби нашр
этилган.

ман турмушга чиққиси йўқ, тўғрироғи, эрга тегиш нимагини-да, англаб етмасди. Гарчи, тенгдош дугоналари аллақачон бола-чакали бўлса-да, у ўртоқларини боласини кўрганда ажабсинибми, ҳадиксирабми, хуллас, ўзи ҳам тушунмайдиган бир назар ташлаб қўярди.

Шундай кунларнинг бирида қизиқ воқеа рўй берди: Зулфияни бир йигит ёқтириб қолди. Биргина “кўриб қолиш” номдор чавандознинг келажиги порлоқ ўғлини оромини ўғирлади. У кўпқарида қанча соврин олган бўлмасин барча-барчаси рангсиз, қизнинг нигоҳи билан ўлчанганда — сариқ чақалик қиймати қолмади.

Норкўзи (чавандознинг исми шундай эди) ҳар кунни Зулфиянинг уйи атрофини изғир, отини лўқиллатганча уёқдан буюққа, буюқдан-уюққа ўтар, девордан бўйинни чўзиб қарар, биргина умиди уни кўрсаю ёнаётган юрагини совурса. Атайин қилгандек қиз ҳам сувга чиқиб қолмас, (умрида бирор марта сувга чиқмаган қиз) ё сахарлари қўлларини подага ҳайдаса, (у бу пайтда ухлайди-ку) ҳеч бўлмаса кўчага сув сепса. Норкўзи шу ҳаёллар билан кекса кампирдек имиллаб ўтаётган кунларни тунга уларди.

Чавандоз ўғлидаги ўзгариш-ни зийрак нигоҳи билан анча кузатиб юрди. Таниш-билишлардан сўраганида кайфияти тушиб кетди.

— Бўлмайди.

— Нега?

— Сен чавандозсан. Шундай экан, эзма бўлмагин. Ҳар бир гапинг худди отинг туёғи каби мустаҳкам, ёлидек кескир бўлмоғи даркор.

Чавандоз билан бола ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтди. Ота эзма эмасди. Шу билан бирга золим ҳам деб бўлмасди. У ўғлини аяди. Қолаверса, бировнинг қизини ёмон деб гуноҳга ботишни истамди. Рўзгор ишига укуви бўлмаса, кўп ухласа, қизнинг ёмон дегани эмас-ку. Чавандоз буни билади. Билгани учун ҳам ўғлини бир силтаб, чавандозсан, сен ҳақингда ҳар қандай гап отиндан ҳам тез югуради, деб қўймоқчи эди. Бунинг уддасидан чиқолмади, чунки ўғли отасининг гапига исбот талаб қилди. Исбот... ҳозирча йўқ.

Олимқулга Зулфия момо бир гап айтганди: — Қизни уриб бўлмас бу бирламчи, сўғин арқалатиб бўлмас.

— Унда уни нима қилайин?

— Иккинсинг ўртасини топишинг керак.

— Қандай топаман?

— Ҳа, болам-а, топишинг осонроқ йўли бўлганида ер юзи аллақачон жаннат бўлиб кетмасмиди? Шундай болам. Вақт — доно ҳакам. Ҳаммасини вақтнинг ўзи кўрсатади, ўргатади.

Олимқул момонинг гапини ақл тарозисидан ўтказаркан, ўша вақт келмадикан, ўтиб кетди-ми ё ҳали эртами деб иккиланарди. Норкўзининг уйи атрофида парвонадай учиб юрганидан хабардор. Бир кўнгли таёқ олиб қувай деса, бир кўнгли шовша подадан олдин чанг қўтарма, деб ўзини қўлга оларди.

Зулфия ҳақида бундай гап юрарди:

— Э, уми ялқов. Бир камим шуни келин қилиш

Санжар САНГАРДАКЛИ

ЧАВАНДОЗНИНГ КЎНГЛИ

қолувди. Нима, ёшим бир жойга борганда, унинг ўрнини ўзим йиғаманми?

— Исм — ярим тақдир, дейдилар. Ўзи яхши қиз. Ялқовлигиниям бир нима қилса бўлади. Фақат момонинг исми одамни сал чўчитади-да. Момо яхши аёл эди. Аммо... Пешонасига тўёқ битмади.

Бу икки сабаб юрагига ёли бор ҳар қандай йигитни ҳам бироз довдиратиб қўярди. Норкўзи-чи? Буларни билмайдими? Билади. Лекин, ўлғудай қайсар.

Хўв, ўша суҳбатда отасиям шуларни айтмоқчи эди. Аммо ирим-сиримга ишонмайди-ган чавандоз буларни айтиб ўғлининг олдида хурматини йўқотишдан қўрқди. У яна шуни тушинди: қиз жуда гурурли. Унга етиш осон бўлмайди. Ҳа, айнан шу умид уни хотиржам бўлишга ундарди. Ўғли қанча уринмасин қиз бўйин эмаса — бари бекор. Чавандоз шу ўйлар билан юрганди, лекин бундоқ қараса, ўғли ҳамон шу қизни кўрасини чангитишда давом этмоқда. Уни ёнига чакирди. Гапни айлантирганди, ўғлининг жавоби бундай бўлди:

— Мен қўчадан от миниб ўтганда ҳар бир тўйнуқдан қизлар пойлайди. У бўлса мени ҳаёлга ҳам келтирмайди. Агар шу қизга уйланмасам, отимнинг мадори етгунча чоптириб бу ерлардан кетаман, кетаман.

— Ё, қудратингдан айланиб кетай, бу яна қан-

дай томоша бўлди.

Шу суҳбатдан кейин ота тушиндики, дўппини бошдан олиб бир ўйламаса бўлмайди. Элға гапини бермаган чавандоз энди қаёқдаги ўйирмаларга ишонса — қулғу бўлади-ку.

Эртаси чавандоз Зулфияларнинг қишлоғи сари йўл олди. Одамлар қўй-экиларини ҳайдаб қанча отарга қўша бошладилар. Чавандоз улар билан суҳбатлашиб турди. Ички сезги билан қизнинг отасини таниди. Ҳа, юзи кўзида самимийлик уфуриб турган бу одамдан ёмонлик чиқмайди. Чавандоз кўпни кўрган. Бир қарашдан ё икки оғиз гапидан қимни қанақа инсон эканлигини билади. Отар кетгач чавандоз Олимқулга эргашди. Йигирма қадамлар юргач қизнинг отаси ортидан келаётган одамни сезиб тўхтади.

— Менга бирор юмушингиз бор эдими? — деди ажабланганча.

— Вақтингиз бўлса, икки оғиз гаплашсак дегандим...

— Қани марҳамат, уйга кирамиз. — Олимқул шундай деб чақонлик билан йўл бошлади. Уйга кирганда хотини ҳали ховлини супуриб бўлмаган, қорни ичкарига тортилган сизир норози қиёфада бир қараб қўйди. Ит хурмоқчи бўлиб оғиз очгани ҳамон, эгасининг қовоқ ўйганини кўриб бостирмасига кириб кетди. Ховлисидаги тартибсизликдан Олимқул баттар ҳаяжонланди. Бурнининг устидая маржон терни кўриб: “Андишали одам экан”, деб ҳаёлидан ўтказди чавандоз.

— Хуш қўрдиқ. — мулозамат кўрсатди Олимқул, сўрида жойлашиб ўтиргач, меҳмонга чой узатаркан.

— Олимжон ака, биласиз, чавандоз халқи икки гапни билади. Ҳалол ва ҳаром. Шу икки ибора бизнинг оримиз, шаънимиз.

— Доно гап айтдингиз...

— Менда донолик нима қилсин. Хуллас, гапимни дангалини айтадиган бўлсам, гапга нуноқман. Кейин, нозик жойларда керакли гапларни айтлолмайман. — Чавандоз чойдан яна бир хўллади. Гапни нимадан бошлашни билмай бироз тараддулланди. Катъий қарорга келди чоғи, ўрнидан бир қимирлаб давом этди: — Биттагина ўғлим бор. Қизларим аллақачон жойини топиб кетишган. Чолу кампир шу ўғлимиз қачон тенгини топар экан деб эшикка, — гапи сал хаддидан ошганини сезди-да, тезда хатосини тузатди — тўғрироғи, ўғлимизнинг оғзига тикиламиз. Бу кишим бўлса миқ этмайди. Охири ўзим сездимку қайдасиз Олимжон ака, деб келабардим.

— Юзларини терини артаркан “нега бунча чайналдим”, деб ўздан гижинди ва гапни пўсткаласини айтди-қўйди. — Қизингизни ўғлимга хотинликка беринг...

— А? Оғайни... Эшитмай қолдим.

— Йўқ Олимжон ака, сиз мени нотўғри тушунманг... Мен ҳалиги айтмоқчийдимки, шу нима десам экан, қуда бўлсак демокчийдим... Олимжоннинг қўллари титгар, оғзи қуриб борарди. Унинг бу ҳолатини чавандоз бошқача тушунди, ҳарқалай яна бидирлаб кетди:

— Сизга айтгандим-ку, гапга нуноқман деб. Сиз мени тушунмадингиз... Ўғлимга қизингизни сўраб келувдим...

— Қизимни?... — Олимқул тамоман довдираб

хотинликка беринг... — А? Оғайни... Эшитмай қолдим.

— Йўқ Олимжон ака, сиз мени нотўғри тушунманг... Мен ҳалиги айтмоқчийдимки, шу нима десам экан, қуда бўлсак демокчийдим... Олимжоннинг қўллари титгар, оғзи қуриб борарди. Унинг бу ҳолатини чавандоз бошқача тушунди, ҳарқалай яна бидирлаб кетди:

— Сизга айтгандим-ку, гапга нуноқман деб. Сиз мени тушунмадингиз... Ўғлимга қизингизни сўраб келувдим...

— Қизимни?... — Олимқул тамоман довдираб

хотинликка беринг... — А? Оғайни... Эшитмай қолдим.

— Йўқ Олимжон ака, сиз мени нотўғри тушунманг... Мен ҳалиги айтмоқчийдимки, шу нима десам экан, қуда бўлсак демокчийдим... Олимжоннинг қўллари титгар, оғзи қуриб борарди. Унинг бу ҳолатини чавандоз бошқача тушунди, ҳарқалай яна бидирлаб кетди:

— Сизга айтгандим-ку, гапга нуноқман деб. Сиз мени тушунмадингиз... Ўғлимга қизингизни сўраб келувдим...

— Қизимни?... — Олимқул тамоман довдираб

хотинликка беринг... — А? Оғайни... Эшитмай қолдим.

— Йўқ Олимжон ака, сиз мени нотўғри тушунманг... Мен ҳалиги айтмоқчийдимки, шу нима десам экан, қуда бўлсак демокчийдим... Олимжоннинг қўллари титгар, оғзи қуриб борарди. Унинг бу ҳолатини чавандоз бошқача тушунди, ҳарқалай яна бидирлаб кетди:

— Сизга айтгандим-ку, гапга нуноқман деб. Сиз мени тушунмадингиз... Ўғлимга қизингизни сўраб келувдим...

— Қизимни?... — Олимқул тамоман довдираб

хотинликка беринг... — А? Оғайни... Эшитмай қолдим.

— Йўқ Олимжон ака, сиз мени нотўғри тушунманг... Мен ҳалиги айтмоқчийдимки, шу нима десам экан, қуда бўлсак демокчийдим... Олимжоннинг қўллари титгар, оғзи қуриб борарди. Унинг бу ҳолатини чавандоз бошқача тушунди, ҳарқалай яна бидирлаб кетди:

— Сизга айтгандим-ку, гапга нуноқман деб. Сиз мени тушунмадингиз... Ўғлимга қизингизни сўраб келувдим...

— Қизимни?... — Олимқул тамоман довдираб

хотинликка беринг... — А? Оғайни... Эшитмай қолдим.

— Йўқ Олимжон ака, сиз мени нотўғри тушунманг... Мен ҳалиги айтмоқчийдимки, шу нима десам экан, қуда бўлсак демокчийдим... Олимжоннинг қўллари титгар, оғзи қуриб борарди. Унинг бу ҳолатини чавандоз бошқача тушунди, ҳарқалай яна бидирлаб кетди:

— Сизга айтгандим-ку, гапга нуноқман деб. Сиз мени тушунмадингиз... Ўғлимга қизингизни сўраб келувдим...

— Қизимни?... — Олимқул тамоман довдираб

хотинликка беринг... — А? Оғайни... Эшитмай қолдим.

— Йўқ Олимжон ака, сиз мени нотўғри тушунманг... Мен ҳалиги айтмоқчийдимки, шу нима десам экан, қуда бўлсак демокчийдим... Олимжоннинг қўллари титгар, оғзи қуриб борарди. Унинг бу ҳолатини чавандоз бошқача тушунди, ҳарқалай яна бидирлаб кетди:

— Сизга айтгандим-ку, гапга нуноқман деб. Сиз мени тушунмадингиз... Ўғлимга қизингизни сўраб келувдим...

— Қизимни?... — Олимқул тамоман довдираб

олганинг билан, барча отлардан ўзиб, чилвирга боғламай, бақовул айтган жойга обориб ташламасанг — бу ҳам бекор. Айтилган жойда обориб ташласангу, оломондан бир киши бўлса-да, гирромлик қилди деса, билки, буям бекор. Шундай экан, чавандоз ҳам... — гапининг давомини айтмади.

Шу суҳбатдан кейин ун кун ўтиб Зулфия Норкўзи турмушга чиқишга рози бўлди. Унинг нима қилганини ҳеч ким билмади.

Тўй зўр ўтди. Бир томонда кураш, бир томонда кўпқари. Одамлар ҳайрон:

— Кўпқарию кураш суннат тўйида бўларди, бу яна қанақаси.

— Чавандоз бирдигана набиранинг ҳам тўйини қияпти, — деб аския қиладиганлар ҳам топилиди.

— Э-э, сенга нима ҳасадбой! Ошингни еб, кўпқарингни кўриб курашни томоша қилабермайсаним?

— Э, бўйиндан чавандоз шўйитиб ҳам тўй қиласанми-а?

— Хабарингиз йўқми, бу дейман келин сал ёши ўтганроқми?... Ё менга шундай туюлди?

— Иборангиз рост малим. Қиз сал ялқовмиш...

— Э-э, тоза чўзилдинглар-да. Менга қара, сенларга на, а сенларга нима? Тавба қилдим-ей, тавба қилдим. Одам деганиям шундай бўладима?

Бир томонда шунақанги гапу бир томонда кураш, кўпқари, ҳатто баъзи бир қизикқанлар ҳўроз ҳам уриштиришди.

Отлар кишайди. Чавандозлар ириллайди. Полвонлар “Ё Али”, “Ё пирим”, деб осмонга сакрайдилар. Ёш болалар шовқин солишади.

Норкўзи билан Зулфиянинг тўйи мана шунақа ажабтовур бўлди.

Тўй ўтганига ҳам йигирма кундан ошди.

Зулфиядан эса ҳамон дарак йўқ. Олимқул билан хотини йўл қарайди. Юрак ютиб борай десалар, қудаларининг полвон гапидан қўрқади. Чунки, ота-онанинг қизларидан кўнгли тўлмаса, янги хонадонда тоза шарманда бўлиб, пешингача ухлаб, на ховли супурган, на сизир соған. Ўз ўрнини ҳам йиғмаган бўлса керак, деб ўйларди. Қўчадан қимидиган овози эшитилса иккиси ҳам илкис бир-бирига қарашар, то овоз улардан йироқлашганча юракларини ховчулаб ўтирарди. Уларнинг назарида ҳозир, қизларини олиб келиб ташлаб кетишлари мумкиндай туюларди.

Бу ҳолдан юраги сиқилган ота бир кун хотини қўшинининг уйига чиққандан фойдаланиб, ўзини қўчага урди. Қизи келин бўлиб тушган маҳалла бошигача боргани бир бўлдию, йигирма қадам ичкарига қадам босгани бир сари бўлди.

Қудасининг уйига деярли мўралаб кирди. Во-ажаб: ховли чинидан топ-тоза, озода. Райхонлар барқ уриб ётибди. Олимқул адашмадимми, деб яна бир назар ташлади. Йўқ, адашмабди. Ичкарилади. Секин ошхонага мўралади. Қозонда туш-лик овқат бақ-бақлаб қайнади. Бир маҳал уй ичидан қизининг қулгани эшитилди. Ё қудратиндан, қизининг қулгуси бошқача эди. Бу ханда келинликка хос бўлган, саранжом-саришта аёллар қулгусига жуда ўхшаб кетарди.

— Ҳа, қуда тинчликми? Келинг-ей, бохайрми? — деди Олимқул. — Милитчининг ўқидай жаранлаган бу овоздан Олимқул бир чўчиб тушди. Ортида чавандоз келинидан мамнун қайноталарда бўлган бир табассум билан унга қараб турарди...

— Сиз... Мен... Қизим...

— Бўлди-бўлди. Ҳисоб биру бир. Эсингизда-ми, сиз ҳам мени уйингизга борганимда шундай довдиратдингиз? Бу ҳазил. Сизни тушундим. Мен сизга айтсам...

— чавандоз шундай деб Олимқулнинг билагидан ушлаб сўри томон бошлади. — хотинга эрталаб тур, келининг ҳали ёш, то ўргангунча қарашинг, дедим. Хотин рози бўлди. Хотининг турганча, биласиз у беҳад семирдиб кетган. Хуллас, келиним ҳамма ишни қилиб бўпти...

Олимқул кўзида ёшми биров қўриб қолмасин, деб тезда артиб қўйди.

Зулфиянинг озода ва чақонлиги бутун қишлоққа ёйилди. Чавандоз “Сен уни қандай қўндрдинг?” деб сўраганда Норкўзи отасига шундай деди:

— У менга: “Момоним йўқлаб турасан. Мен у билан атиги етти йил яшадим. Аммо шу етти йил ичида аёлга нима керагу нима керакмаслигини билдим. У менинг иккинчи онам”, деди. Момони мен ҳам яхши қўлардим.

Ўқувчи китоб мутолаасига чоғланар экан, аввало, асар жанрига, унинг мазмуни ўз савияси, диди, қизиқишига қанчалик мослигига эътибор қаратади. Кейинги йилларда яратилган қиссаларни танлаб ўқишга кўпроқ шу нукта-назардан ёндашилади. Таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг саккизта қиссаси жамланган тўпламининг илк саҳифасида муаллифнинг шундай сўзларига кўзимиз тушди: “Бадий адабиётда жанрнинг яхши-ёмони йўқ. Роман салмоқдорлиги билан, ҳикоя ихчамлиги билан ўзига хос. Қисса эса романга, ҳикояга нисбатан эркинроқ, эркакчилик билан жозибали, кўнгилга яқин. Бир тақдир, бирор воқеа-ҳодиса, бирорта гоя ёки фараз ҳақида сўзлашга киришдингизми, қисса яратилганди, деяверинг!..”.

ЧИНАКАМ АСАРНИНГ СИРИ

Тўпламдаги “Куза...” номли қиссада муаллиф қаҳрамон характери ичдан ёритишга интилан. Асар шакли одатдаги қиссалардан ўзгачароқ. Ўқувчи диққати гоҳ Устозга, гоҳида Умиднинг савдодий орасига, баъзан Фарҳод билан Азизнинг гурунларига қаратилади. Ўқувчи беихтиёр бадий филм томоша қилаётгандек ҳолатга тушади.

Муаллиф асар қаҳрамонларнинг мушоадалари, ўйлари орқали китобхонни фикрлашга мажбур этади. Шу баҳона кўнгилдаги одам ва олам ҳақидаги фикр-мушоадаларини тўкиб-солади. Одамлар нималар билан банд? Уларнинг ўй-халларидида нималар кечаётди? Тирикчилик ташвишлари билан бўлиб, инсон учун сув билан ҳаводек зарур туйғулар — севиш, севилиш, энг яқин кишиларга меҳр-оқибат кўрсатишдек одамийлик фазилатларидан йироқлашиб кетмагилми?..

Қисса қаҳрамонлари Азиз, Умид ва Фарҳоднинг хатти-ҳаракатидан ангашладики, тезкор бугунги давр одамзот олдига талай муаммоларни қўйди. Аввало, инсон умрининг ҳар бир дақиқаси қадрли бўлиб қолди. Аммо азиз умри гоҳида керак-но-керак юмушларга, ортиқча дабдабаларга қурбон қилиб юборилганми?

“Куза...” қаҳрамонлари бугунги куннинг одамлари. Улар фаол, тинимсиз ўйлайдилар, фикрлайдилар, бахшлашадилар. Аммо муаллиф уларнинг ҳеч бирига ён босмайди, бирортасининг фикрини маъқулламайди ҳам, инкор ҳам этмайди. Хулоса, сабоқ чиқаришни китобхоннинг ихтиёрига қолдиради. Ўқувчининг бу тарзда “сукут сақлаши” ўқувчини фикрлашга, ҳаёт, муаммолар ҳақида бош қотиришга ундайди.

Собир Уларнинг “Бибибисора” қиссаси мутолаасида қишлоқнинг содда, тоза қалби болаонининг гурунги мени мафтун этди. Чунки унинг гаплари ҳечам малол келмайди, зериктирмайди. Қиссани ўқий бошлашга қўлдан қўйгингиз келмайди. Ҳўш, муаллиф қандай қилиб ўқувчининг диққатини бўйсундира олган? Ахир, суҳбатдошининг гўё сеҳрлагандай қаршингизга “миҳлаб” қўйиш, кўнгил дафтаринингизни варақлашга мажбур этиш осонми?

Асар воқеалари тўққиз ёшли Жаҳонгир тилидан ҳикоя қилинади. Эпизодик персонажлар, хусусан, қиссанинг асосий персонажлари характери ҳам турли усулларда, бадий воситалар орқали очиб берилади. Мисол учун, қишлоққа қаёқдан-дир келиб қолган бошонинг қиёфаси шундоққина кўз ўнгингизда яққол тавдаланади. Бунга ёзувчи унинг портретини чизиш, қиёфасидаги ўзига хос жиҳатларини кўрсата олиш тўғрисида эришган: “Елкасига хуржун ташлаб олади. Телпакли узун қора плашини ҳечам ечмайди. Қишнинг изгиринли кунларидида мотоциклчиларникига ўхшаш катта қўзойнак тақиб олади. Қош-қўзини совуқдан сақласа

керак-да. Чолни бир ёқдан келган дейишади. Шунинг учун чет эллик, деб ўйлаймиз”. Ҳатто қиссада бир кўриниш берадиган эпизодик персонажлар қиёфаси ҳам хотирангизда муҳрланади. Бунга Султон амаки иштирокидаги диалогни далил сифатида келтириш мумкин. Бир чимдим юмор, озгина самимият дилингизни равшан торттиради. Қисса сюжетига синдириб юборилган деталлар, эпизодлардаги сирлилик тўғриси, масалан, “кўриниши алламбало” чол қаердан пайдо бўлгани-ю, қимлигини аниқ билмасак-да, таажубланмаймиз. Чолнинг юриш-туриши сирлиликча қолаверади, сизни ўйга толдиради, тавба, бу воқеа қандай яқин топар экан, дея қизиқасиз. Унинг ҳаракатлари сираям эриш тўғрисида. Чунки воқеалар тасвирида сунъийлик, зўрма-зўракилик йўқ. Ҳатто сюжет ривожига ҳам.

Кейинги пайтда полвонлар мавзуи қаламга олинган қиссалар кўпайди. Тоғай Мурод “Юлдузлар мангу ёнади” асарида бир қатор жонли образлар яратган эди. Демак, азали мавзунинг янги қиррасини очиш, ўзига хос, ҳеч қимнига ўхшамайдиган қаҳрамонларни “дунёга келтириш” алоҳида маҳорат талаб этаркан.

Шундай умид билан ёзувчи Абдулла Айизовнинг “Полвон йилган тун” қиссаси мутолаасига киришдим: “Бугун чалақлик Қодирбек мерган тўй бошлаб юборди. Қиру адирлардан ошиб ўзоқ-ўзоқларга таралган қарнай-сурнай садолари одамларнинг хўш-хандон қий-чувиға улашиб кетди. Бу ёғи тоғли қишлоқлардан, у ёғи чўл тараф овуллардан гурус-гурус меҳмонлар, полвонлар кела бошладилар.

Тўйхона бечинарлиқа бедапоядан тортиб, ўйдим-чүкур йўл кетилгача машиналар тизим-тизим: мезбонлар томонидан тайинланган кузатувчилар уларни зийрак қўриқлашади. Ахир бир кунлик тўй ўтди-кетди, аммо кейин ғийбат қўлайиши мумкин. “Фалон қишлоқдаги фалончининг тўйига борган эдик. Томоша айна қизиган пайт, уловимизнинг зарур нарсасини шилиб кетибди! Дабдабага берилгунча меҳмонларнинг иззатини қил, қўлиқларига кўз-қулоқ бўл...” — қабилидаги гап сўзлардан эҳтиёт бўлган маъқул”.

Бундай баёндан бирор-бир таассурот қолиши даргумон. Шунчаки ахборотдангина иборат сўзлар баёни ўйга толдирмайди. Мабодро асардан бундай гаплар олиб ташланса ҳам қисса зарар кўрмайди, аксинча ўқувчи ортиқча, кераксиз тафсилотларни ўқиб зеркишдан халос бўлади. Қиссанинг кейинги саҳифасидаги атиги ярим бетлик — ўн та гапдан иборат диалогда кетма-кет “меҳмонлар” деган сўзнинг қалалиб келгани, ҳарқалай, ўқувчининг гашига тегса керак, деб ўйлайман. Наҳотки бу сўзнинг синонимини йўқ? Навбатдаги саҳифада эса “полвон”, “давра” ўзакли сўзларга олтиш беш марта дуч келасиз. Тил қашшоқлиги, стилистик ҳатолар ва бир хил мазмундаги ибора, сўзларнинг ҳадеб такрорланавериши муаллифнинг асар тили устида жиддий ишлаши зарурлигини кўрсатиб турибди.

Адабий ўйлар

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг мулоҳазалари қизиқарли: “Чинакам шоир ёки ёзувчи агар ўқувчиға айтадиган катта “гапи” бўлмаса, қўлига қалам олмайди... Аммо ҳар қандай катта “гап” ҳам ҳали бадий асар эмас. Ҳар бир қаламқаш учун ойдек равшан бўлган оддий ҳақиқат бор. Шеърятми, насрми, драматургиями, бадий асар борки, ёзишдан илгари қаламқашнинг қалбида (қалласида эмас, қалбида) ажиб бир музика тўғилади. Ўқувчи ўша куй оҳангидан вужуди жунбушга келиб, асар ёзади. Яъни ҳақиқий асар муаллифнинг “етмиш икки” томиридан “қон бўлиб оқиб” қоғозга тушади. Эҳтимол, чинакам асарнинг “сири” ҳам шунда бўлса керак. Шу куйга “маст” бўлган қаламқаш инсоннинг мураккаб оламини кашф этади”.

Шу нуктаи назардан қараганда бугунги қиссалар ўқувчини қай даражада қаноатлантиради? Бу жанрда ҳар йили ёзилаётган ўнлаб асарлар китобхон қалбига таъсир этяптими, унинг туйғуларини жунбушга келтиряптими? Наби Жалолиддиннинг “Мажнун” қиссаси мутолаасидан сўнг бундай саволларга ижобий жавоб топишга қийналдим.

“Мажнун” қисса деб аталган бўлса-да, унда ҳикоя жанрига хос хусусиятлар устувор. Аввало, асар сюжет қўламини кенг эмас, персонажлар — Қурбон, Бойчекча, Шоди, Сойиб ва Сервисбойнинг онаси феъл-атвори, қиёфасини чизиш, гавдалантириш учун майдон тор. Сервисбой Бойчекчани севади, аммо содда, бегубор муҳаббат қўполликка дуч келади.

Ўқувчи энди Сервисбойга ачина, унга меҳр қўя бошлаганида асар тугаб қолади. Эҳтимол унинг ҳаётидаги тафсилотлар бутун мураккаблиги билан кўз ўнгимизда гавдалантирилганида ўзига хос характери яратилган бўлармиди?

Бошқа айрим асарларда, хусусан, Илҳом Зойирнинг “Рақобат” қиссасида баёнчиликка берилиб кетиш ҳолларини кўзатиш: “Мулкчилик шакллари тинимсиз ўзгариб турди. Бозор ислохотлари давомида мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида давлат қорхоналари хусусий қорхоналарга ёки акционерлик жамиятларига айланди. У тери ошлаш заводи таг-туғи билан сотиб олади. Жойларда агентлар ёллаб, аҳоли қўлидаги, қушхоналардаги териларни йиғиб, уни қайта ишлади, гоҳ тайёр, гоҳ ярим тайёр махсулот сифатида маҳаллий ва чет эл бозорларида сотади. Айниқса, чарм камзуллар урфга киргач, унинг иши юришгандан юришлар. Даромадни қўлайитиш мақсадида хиссадорлик тамойилига биноан уюшган шерикчилик жамияти бўлиши “Чармгар” хиссадорлик жамиятининг ўн фоизлик акциялар пакетини қўлга киритиб, унинг таъсисчиларидан бирига айланади. У майда пулини йирик, яъни капитал бўла оладиган пулга айлантира бошлади. Аста-секин жамият директорлар кенгаши аъзоси бўлади. Унинг эндики мақсади акциядорлик жамиятининг йиғилишида ҳал қилувчи овозга эга бўлиш ҳуқуқини берадиган каттароқ акциялар назорат пакетини қўлга киритиш ва жамият ҳўжайинига айланиши эди”. Табиийки, китобхон оддий публицистик мақолани эмас, қиссани мутолаа қилаётганига ишонмайди. Мазкур қиссада қаҳрамонлар характери, воқеалар тасвири ўрнини куруқдан-куруқ баён эгаллагани афсусланарли ҳол.

Бугунги қиссалар мутолааси асносида шунга амин бўлдимки, бу жанрда ёзилаётган асарлар орасида бадий жиҳатдан ночорлари бисёр. Шу билан бирга ўқувчи ёстигининг тағида асраб, қўлдан қўймай, берилиб ўқийдиганлари ҳам яратилаётир. Бундай қиссаларнинг ютуғини, назаримда, адиб юрагидан дард бўлиб қайнаб чиқаётган туйғулар, самимий, табиий, рост сўзлар таъмин этмоқда.

Жовли ХУШБОК

ерда эди. Бир куни кафедрага борсам, профессор, кафедра мудирини, устозимиз Шароф Улмасбоев шундай деди:

— Эртага Хайридин Салоҳни чақириб келинг, унга ишим бор.

Иккинчи куни Хайридин билан бирга бордик. Салом-алиқдан сўнг меҳрибон муаллимимиз:

Яхшидан боғ...

— Кечаги “Ўзбекистон маданияти” газетасида эълон қилинган шеърларингизни ўқидим, жуда яхши шеърлар, янгиларидан борми? — деб сўраб қолди.

Хайридин ёддан иккита шеър ўқиди. Лирик шеърлар ҳаммага маъқул тушди, чапак қилиб олқишладик. Сўхбатимиз анча давом этди. Устоз Уктам Усмонов, Низом Комил, Абдурашот Отамонов, Турсунбой Йўлдош, Юсуф Шомансур ижоди хусусида сўради, ёшлар шеърятини ҳақида тўқилганиб гапирди.

— Хайридин, сизнинг устозингиз ким? — яна сўради.

— Ғайратий домланинг тўғрагага қатнайман, Миртемир акадан сабоқ олиб юраман, — ўзига хос мулоимлик билан жавоб берди Хайридин.

— Ўзим ҳам айтувдим, нега бу йигит шеърларидан Миртемирнинг хиди келиб туради деб, — таъкидлади Шароф муаллим.

Ха, Хайридин Салоҳ барчанинг назаридаги, элнинг тилига тушган шоир эди.

Ҳамиджон ХОМИДИЙ

Кўнгил чироғи ўчмасин

Эл назарига тушган ижодкор озми-кўпми ёзган асарлари билан ўқувчилари олдига ҳисоб бергиси, энг яхши асарларини жамлаб, тақдим этиб, уларнинг баҳосини олгиси келади. Шу маънода ёзувчи Шодмон Отабекнинг “Кўнгил чироғи” номи билан чоп этилган “Сайланма”сини ўзига хос ижодий ҳисобот, десак янглишмаймиз. Шодмон Отабек номини эшитган ўқувчи: “Ха, Дўрмон хангомаларининг устасими? Жуда топади-да!”, дейди. У кўпроқ ана шу хангомалари билан машҳур бўлди. Бироқ талай қисса ва ҳикоялар, илмий ва публицистик мақолалар ҳам ёзганки, улар ҳақида ўқувчилар камроқ тасаввурга эга. Шу пайтгача адибнинг “Япроқдаги нур”, “Қорбўрон”, “Энг бахтли кун”, “Одамийлик синовлари”, “Ширмонбўлоқ оқшомлари”, “Яхши кўнларда қўришайлик” каби бадий, “Мирзақалон Исмоилий”, “Мирзақалон Исмоилий сабоқлари” сингари илмий китоблари эълон қилинган. Агар улар сарҳисоб этилса, Шодмонбек ҳам тенгдошлари орасида салмоқли хирмон кўтарган ижодкор эканлиги аён бўлади. Бироқ “Сайланма”нинг талаби шуки, унга қаламқашнинг умр бўйи ёзган катта-кичик асарлари эмас, балки юксак бадийлик талабларига жавоб бера оладиган асарлари саралаб олиниши керак. Шу талабга риоя этган адиб сайланмага битта қисса, қирқча яқин лирик ва ҳажвий ҳикояларини танлаб киритибди. Бу унинг ижодига ҳилла масъулият ҳисси билан ёндашганидан далолатдир.

Шодмонбекнинг шахматга ишқибозлиги бадий ижодида ҳам акс этган. Хусусан, “Кўнгил чироғи”га жамланган қисса, ҳикоялар ва ҳажвийларнинг ўқиб бунга амин бўлдим. Қамина ҳам шахматдан оз-моз хабарим борлиги учун дастлаб “Сайланма”га киритилган асарларни ҳаёлан шахмат тахтасига жойлаштирдим-да, “Биркам дунё” қиссасини фарзин, ҳикояларни йирик фигуралар, ҳажвийларни пёвдалар тарзида тасаввур қилдим. Зеро, “Биркам дунё” қиссаси танланган мавзуси ва кўтарилган муаммоси жиҳатдан ҳозирги кунда мамлакатимизда катта эътибор берилаётган маънавий-маданий қадриятларимиз, оила мустаҳкамлиги ва ахлоқий покизалигини ардоқлашга бағишланган. Қолган барча кичик жанрдаги асарлари ана шу бош гоёга йўналтирилганлиги билан эътиборни тортади.

Адиб қаҳрамонлари ҳолатини тасвирлашда қўтилмаган “юришлар” қилади. Персонажларнинг руҳий кечинмаларини ифодалаш ниятида уларни тез-тез танг вазият, ҳолатига солиб қўяди-да, ундан чиқшини ўзларига қолдиради. Натижада қаҳрамон бундай мураккаб вазиятдан эсон-омон қўтилиш учун турли йўллар излайди, бошини ҳар томонга уради, ўйга толади. Масалан, қисса қаҳрамонларидан бири Салим хотинининг истагига қўра ноилоҳ шифокорга учрайди ва жинсий қуввати ожизлигини билгач, нима қилишини, қаёққа юришини билмай “боши берк кўча”га тушиб қолади: “Салим ўзини мураккаб бошқотирмада ягона тўғри юришни топишга мажбур бўлган шахматчидай ҳис қилди. Вақт эса ғанимат, юраги соатнинг чиқиллашига монанд бежо уради”. Ҳатто, ушбу парчадагина эмас, балки ёзувчининг барча асарларида қўлланилган “вақт”, “соат”, “ҳаяжон”, “уришиш” каби сўзлар ҳам ўқувчи кўз олдига шахматчининг ҳолатини жон-

лантиради. Шунингдек, “Орият” ҳикоясининг қаҳрамони Зоҳир (исми жисмига мос “аниқ, равшан, очик-ойдин” гапирадиган ва ҳаракат қиладиган йигит), “Таниш нотаниш”даги йўловчи ва уни излаб йўлга чиққан аёл, “Шарпа”даги Махмуд, “Биркам дунё” қиссасидаги Салима, уруш қатнашчиси Маъмура

Тақриз

опалар ҳам ана шундай мураккаб ҳолатга тушадилар. Улардан айримлари бу мураккаб вазиятдан йўл топиб чиқиб кетсалар (масалан, Салима, Зоҳир), бошқалари рақиб зарбасига дош беролмай “таслим” бўлади-лар (Маъмура опа, Махмуд).

Шодмон Отабек асарлари дебачасида қаҳрамонлар пайидагана ва ҳаракат қиладиган макон билан замонни тасвирлайди. Ўқувчи бутун диққат-эътиборини, тахтадаги доналарнинг ҳолати ҳамда юриш йўллари қарат-

ган шахматчидек, персонажларнинг хатти-ҳаракати, фикр-ўйларини бош гоёга йўналтиради. Натижада ҳамма асарларидаги мавжуд эпизодлар, деталлар, сюжет чизиқлари, композицияси — барчаси охи-оқибат кўнгилни асраш, ахлоқ, инсонни тушуниш ва эҳтиёт қилиш масаласига бориб тақалади. Кўпинча воқеаларни тасвирлашда ўқувчини “Энди нима бўла-

ди?” деган саволга жавоб излашга мажбур қилади.

Ёзувчи маҳорати, унинг хангомалар тўқишга усталлиги қаҳрамонларига ҳам юққан. Улар жуда сўзамол, топқир, ҳозирхавоқ, мураккаб вазиятдан осонгина чиқиб кетишга уста кишилар. Адиб уларни иложи борича эркин қўяди, ўз хоҳишига қўра ҳаракат қилишга имконияти яратди. Бироқ уларни бир зум ҳам назоратидан қочирмайди. Баъзан қўтилмаганда асосий қаҳрамонни ҳимоя қилиш учун бошқасини фаоллаштиради. Натижада шу пайтгача ўз наватини қўтиб, бир четда воқеаларга аралашолмай турган персонаж рақиблар билан жиддий тўқнашувга киришади, сюжет янада тангланашади. Буларнинг барчаси охи-оқибатда инсон кўнглини овлаш, унинг руҳини қўтаришга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ш.Отабек асарларида ориятли қаҳрамонлар кўп. У яратган персонажларнинг аксарияти “Орият ўлимдан қаттиқ” эканлигини чүкур ҳис қилади, бироқ орият учун очик қурашиш уларнинг воқеалар силсиласида тугган мавқега, даражасига, савиясига боғлиқ бўлиб қолади. Улар энг мураккаб вазиятда ҳам ориятини асраб қолиш учун интилади.

Албатта, бадий асар якуни ўқувчини нечоғли ўйга толдиради, шунчаки яхши. Шу маънода Шодмон Отабек айрим ҳикоялари, ҳатто қиссаси тугалланмасини ўқувчи ҳаяжонланадиган даражада аяқунласа, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ёзувчи яхши ният билан китобини “Кўнгил чироғи” деб номлади. Ҳа, инсон кўнгли жуда нозик, ундан таралган нур, зиё сон-саноксиз кўнглиларни нурафшон этишга қодир. Ўқувчининг ана шу пок нияти ҳеч қачон сўнмасин, кўнгил чироғи порлайверсин.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
филология фанлари доктори

“ШАРҚ ЮЛДУЗИ”

2014 йил, 3-сон

Замонавий ўзбек насри ихлосмандлари журналнинг ушбу сониди Шавкат Низомнинг “Тўқиз ҳокон салтанати” номли тарихий мавзудаги романидан айрим бобларни ўқийди. Атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг “Биринчи муаллим” қиссасининг қайта ишлаб тўлдирилган русча аслияти таржимаси Асил Рашидов томонидан амалга оширилган. Шунингдек, ушбу сонда Абдунаби Бойқўзининг “Тешимкозор хангомалари” ҳажвий қиссаси, Нортўхта Қиличнинг “Рухият мавзивири” эссесини босилган. Тоҳир Маликнинг “Хазонрезги” ва Исхон Султоннинг “Оназиорин” қиссаларининг охири қисмлари ҳам ушбу сонда эълон қилинган.

Шоирлар Салим Ашур, Ҳумоюн, Шермурод Субҳон, Фарида Хусанова, Бобомурод Элмуродовнинг туркум шеърлари, Исмоил Махмуд Марғилонийнинг ғазаллари, Жиянбой Избоскановнинг М.Аҳмад таржимасидаги шеърлари, наманганлик бир



Журналларни варақлаганда

ижодий изланишларнинг самаралари ҳақида муайян тасаввур беради. Гегелнинг “Эстетика”асари давоми, “Бахс” рукида эса Махкам Махмуднинг “Тақлид, тасвир, илҳом ва истеъдод” мақолалари билан танишасиз.

Бугунги ижодий жараёнинг умумий манзарасини ўзида акс эттирган 2013 йил якунларига бағишланган муҳокамалар матнлари ҳам журналнинг ушбу сониди ёрилган. Ўтган йили эълон қилинган қиссалар, ҳикоялар, шеър ва достонлар, болалар насри, публицистик ва таржима асарлар, танқид ва адабиётшуносликка оид чиқишлар ҳақида мутахассис олимлар, тадқиқотчи ва ижодкорларнинг мақолаларида 2013 йилги ижодий жараён манзаралари, ютуқ ва камчиликлари қаламга олинган.

Адабиётшунос ва тадқиқотчилардан Н.Жумаҳўжнинг “Халқ тили ва замонавий наср”, А.Расуловнинг “Бошқаларга ўхшамас олим эди”, М.Фозиловнинг “Усмон Азим драматургиясида аёл образи танқиллари”, З.Раҳимов ва М.Талабоевнинг “Миллий детективнинг шаклланиш омиллари” мақолалари бадий ижоднинг актуал мавзуларига бағишланган.

“Унутмас мени боғим” рукида таниқли шоир Ҳабиб Саъдулла ижод намуналаридан баҳраманд бўласиз, “Гулқайни”да А.Намозов ҳажвийсини ўқийсиз.

ТАЛАБА ҚИЛИБ ОПСАНГИЗ...

Иккинчи курсда ўқишлар бошланганди кетди-ю, ҳамон Хайридин Салоҳ “резерв” (заҳира)да. Кунлардан бир куни дарсдан кейин у:

— Юрий, Ўзбекистон уюшмасига бориб келамиз. Мен устоз Абдулла Қаҳҳордан ёрдам сўрайман, — деди. Биргаликда Ўзбекистон Ўзбекистон уюшмасига бордик. Мен қабулхонада, котиба ёнида қолдим, Хайридин Салоҳ уюшма раиси ҳузурига кириб кетди.

Орадан бир оз вақт ўтгандан сўнг, атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор билан биргаликда хонадан чиқиб келди. Ўрнидан туриб, салом бердим.

— Э, ўртоғингиз ҳам бормиди, нега олиб қирмадингиз? Йигитлар, сизлар бораверинглар, мен ректорга телефон қиламан, ҳаммаси жойида бўлади, — деб хайрлашди устоз.

Эртаси иккинчи жуфтликда ректорнинг бизда дарси бор эди. Устоз, тарих фанлари доктори, профессор Шопўлат Абдуллаев аудиторияга кириб келди-да, портфелини минбарга қўя туриб:

— Хайридин, шоир экансиз-у бизга айтмайсиз. Тарихчи бўлса ҳам шеърятни яхши кўраемиз. Аслида адабиётни тарихдан ажратиб бўлмайди. Туринг, шеър ўқинг, — деди.

Хайридин Салоҳ ўрнидан турди-да ёддан учта шеърини ва Генрих Гейне лирикасида иккита таржимасини ўқиб берди.

— Эҳ, қойил, зўр шеърлар! Кеча ус-

ШОИР ҲАҚИДА ХИКОЯТЛАР

тоз Абдулла Қаҳҳор сим қоқиб, шу йигитни талаба қилиб қабул этсангиз, зўр шоир бўлади, деди. Мен ҳодимлар бўлимига айтдим, бугун сизга буйруқ чиқади, — деди қатъий оҳангда ректор. Ҳаммамиз гуриллаб чапак чалдик. Устоз ҳам бизга қўшилди. Ҳақиқатда ҳам Хайридин ўша кундан эътиборан талаба бўлди.

ҚОФИЯСИНИ КЕЛТИРСА, ШЕЪР БЎЛАВЕРАРКАНМИ?..

Талабали йиллари қизик. Ҳамма олим ёки шоир бўлгиси келади. Гуруҳимизда шоиртабиат йигитлар кўпчилигидан бўлса керак, меннинг ҳам ёғим, таржималар қилгим келарди. Ҳатто бошқа халқлар эртакларининг ихчамларидан ўзбекчага ўғириб болалар гезетасида чиқарган эдим. Бунинг устига ишқий байтлар ёзиб Хайридин, Низом Комил, Уктам Усмоновга ўқиб берадими. Бир куни 12 мисрадан иборат бир баҳорияни “зўр” таржима қилиб, қайта-қайта тахрирлардан сўнг, курсдошим Хайридин Салоҳ назаридан ўтказишга қарор қилдим. Хайридин матнни ўқиб чиқди-да, қўлига қалам олиб ўёғини, буёғини ўчириб, устига ёзди ва

охири “шеър” эпақага келмади, шекилли, шундай деди:

— Ошна, қофиясини келтириб, мисра тузса шеър бўлаверарканми? Қани ўша шеърнинг ўзи.


— Асл нусхаси ёнимда йўқ, тўрт мисрасини ёддан биламан, — дедим.

— Ўқинг, ўша билганингизни, — таъкидлади у.

Мен аста, оҳангига солиб ўқий бошладим.

Хайридин қулоқ солиб, қўлидаги матн мазмунига эҳт қўйиб турди-ю оҳанг

Ҳаётнинг нусхасини яратиб бўлмайди. Ҳақиқий мусаввир кўрганларини тасвирлашга эмас, қайта англашга интилади. Ҳаёт ва картина ўртасидаги чегара шудир. Рассом Бобур ИСМОИЛОВ ижоди ушбу абадий ҳақиқатнинг бадиий инъикосидир. "Девор", "Аросат", "Музыка", "Қанотли тушлар", "Анор базми"... Уларда рассом тасаввур дунёга келтирган ўзга бир олам билан учрашамиз. "Орзулар дарахти", "Қафас", "Масхарабозлар", "Тўлин ой", "Бўса"... Барчаси бизни сеҳрли ҳақиқатлар боғида сайр этишга чорлайди. Ранг ва шакллар ифодасини англамоқ эса рассомни тушуноқ демакдир. Ҳа, Бобурнинг барча картиналари томоша сахнасини ёдга солувчи тасаввур маҳсули. Рассом ана шу дунёдагина ўзини эркин ҳис этади, биз билан кўнгил кечинмаларини баҳам кўради.



Рассомлик мўйқалам соҳибларишиш мумкин бўлган мақом ёки макъас эмас. Санъатнинг асл мазмунидан воқиф мусаввир макъову олиқиллар ўқитинчи эканини билади. Унинг учун рассомлик машхурлик шоҳ-супаси эмас, тақдир йўлидир.

Жаҳжи болакайни кўлига мўйқалам олишга қандай куч ундаши мумкин? Бу савол жавобини узок йиллардан буюн излайман. Очиги, рассом бўлишимга айнан нима туртки бергани билмайман. Ақлимни таниганимдан бери юрагимда яратиш иштиёқи жўш уради. Омадим ҳам шунда бўлса керак. Чунки касб танлашда ҳеч қандай шубҳа ёки иккиликларини ҳис қилмаганман. Албатта, вақт ўтиши билан ҳар қандай рассомнинг қарашлари ўзгаради. Ёшликдаги иштиёқ, ҳавас ўрнини янги туйғулар тўлқини эгаллайди. Улғайганинг сари ижод оламини бегона шундай жумбоқларга дуч келасанки, санъатга муҳаббатинг қанчалик кучли бўлмасин, ҳаётнинг ёзилмаган қонунлари олдида бош эгасан. Бундай дамларда ҳаёт дарёга, сен эса унга қарши сузаётган кемага айланасан. Баъзида кундалик ташвишлардан бутунлай кўз юмиб, санъатнинг сарҳадсиз уммонига шўнғишни, эртаю кеч устахонадан чиқмай сурат чизишни орзу қиласан. Афсуски, рассомни ҳақиқий ижоддан айирувчи сабаблар ҳамиша бисёр бўлади. Мана шу сабаблар билан юзма-юз келганда, тубсиз жарликка кулаб, сўнг яна юксаликка парвоз қилишга муваффақ бўлгандагина рассомлик — кўзаллик ва изтироб, лаззат ва машаққатдан иборат тақдир йўли эканини англайсан.

Меросхўрлик туйғусига эга бўлмаган рассомни илдиридан маҳрум дарахтга қўйслаш мумкин. Ҳар сафар ўзбек рангтасвирининг та-

рихини ўрганарканман, аъналар бардавомлиги нақадар муҳим аҳамият касб этишига гувоҳ бўламан. Уста Мўмин, Волков, Курзин, Кашина... XX аср аввалида мамлакатимизда янги рангтасвир мактабига асос солган ушбу рассомлар ижоди биз учун бегона эмасди. Улар яратган асарларга назар соларканман, қаршимда Матисс, Кандинский, Малевич ижоди гавдаланади. Ваҳоланки, Матисс Камолдин Бехзодни устози деб билганига нима дейсиз. Бу



кичик мисол замирида бутун жаҳон санъатини, қадқитишга қодир ҳақиқат мўжассам. Ижодий аъналар шу қадар уйғунки, Шарқ ёки Ғарб санъати деган тушунчалар аслида шартли иборалар эканини англайсан. Юксак санъат замон ва маконни, миллат ва элатни танламайди. Зеро, ҳар бир рассомда буюк устозлар руҳи, уларнинг ижодий геноми яшайди. Бу туйғу уни доимо безовта қилади, юксак чўққиларни забт этишга, янги картиналар яратишга чорлайди.

Иероним Босх картиналаридан жилоланган тасаввур ёлқинлари ҳамиша санъат ихлосмандларини ҳайратга солиб келган. Голланд рассоми Ренессанс даврининг машхур ижодкорлари қаторида тилга олинса, уни Да Винчи ёки Рафаэл билан солиштириш мушкул. Айрим санъат тарихчилари Босхни сюрреализмнинг отаси деб билишади. У яратган сириниоатга тўла картиналарни кўздан кечираркансиз, инсон тафаккури гаройиб жумбоқларга кескин зиддиятларга бой эканига гувоҳ бўласиз.

Мақтаняпти деб ўйламангу, баъзи мухлислар картиналаридан Босх дастхати борлигини таъкидлашади. Инкор этмайман. Голланд рассомининг ижоди ҳамиша менга илҳом бағишлаган. Аммо ўтган йиллар давомида Босх мен учун маънавий устозга ёки идеалга айланди, деб ўйламайман. Ростини айтсам, унинг ижоди билан танишувим тасодифан юз берган. Мактаб остонасига эндигина қадам қўйганимда отам Босх асарлари жамланган альбомни совға қилди. Санъат меъзонларидан хабари йўқ болакайда ақл бовар қилмас жумбоқларга бой голланд рассомининг картиналари қандай таассурот қолдириши мумкинлигини энди тасаввур қилинг. Суратлар жамламасини илк бора қўлимга олиб, вақтлай бошлаганим сира ёдимдан чиқмайди. Ушанда янги бир оламини кашф этганимни ҳис қилганман.

Буюк рассомлар ижоди улкан алангага ўхшар экан. Унинг оташи қаърида минглаб учкунлар дунёга келиши мумкин. Учкунлар ҳаёти бир лаҳзада

яқун топса-да, улар улкан алангани ҳам уйғотишга қодир. Алангалар шакли эса ҳеч қачон бир-бирини тақроқламайди. Яъни ҳар бир учкун шакли шамойилига кўра янги аланга яратади. Бугун турли рассомлар ижодида мурожаат қилиш имконига эгаман. Босх аъналарига бўйсунмаслигим, ҳатто уни инкор қилишим мумкин. Аммо болалик йилларида қалбимда ижод алангасини ёққан ўша учкун картиналаримда юлдуз мисол нур таратишда давом этади.

Театр сахнаси менга рассомнинг оқ матосини ёдга солади. Ундаги барча воқеалар, қаҳрамон эпизодларнинг ягона муаллифи ижодкордир. У ҳам рассом каби сахнада

қалб кечинмаларини, ўй-фикрларини изтиробларини тасвирлайди. Бу борада театр рассоми дастохли рангтасвир ижодкоридан устун деб ҳисоблайман. Улар зулмат бағрини шамшир мисол ёришга қодир ёруғлик нурини, маконни, инсон руҳиятидаги драматизмни чуқур ҳис этишади. Санъат оламидаги илк изланишларим театр рассомлигига етаклагани сабаби шунда. Сахнадаги ижод ҳамон менга илҳом бағишлайди.

Ақсарият картиналарим театрлашган томошаларни ёдга солади. Масхарабозлар, сайёҳ артистлар, созандаю кўғирчоқбозлар доимий қаҳрамонларимга айланган. Асарларим натурадан, реал ҳаётдан нусха олиб чизилмайди. Картина яратилиши мен учун фикрлар моддийлашувидан кўра мураккаброқ ҳодисадир. Оқ мато — бу сахна, тасвир эса ўзига ром этувчи спектрдаги ҳаракат. Мен ўйлаб топган қаҳрамонлар — менинг ҳаёлларим декорациясидир. Тугалланган картинада ҳамиша айтилмаган сўз қолаверди. Ҳар бир картина — яқунликар спектаклдир.

Ёзувчилик ва рассомлик бир ўзандан бошланувчи икки дарёдир. Ёзувчи ва рассом бир отананинг икки фарзанди каби қондошдир. Ҳар иккисининг ҳам бош қуроли қалам, ҳар иккиси ҳам оппоқ бўшлиқда ижод қилади. Фикримча, рассомлик кенг маънодаги ёзувчиликдир. Гарчи мусаввир учун сўз эмас, ранг ва шакллар бирламчи аҳамиятга эга бўлса-да, бари шартли восита ҳолос. Ҳар қандай картина замирида ўзига ҳос ҳикоя яширинади. Рассом юрагидagi туйғуларни шунчаки тасвирлашга ҳаракат қилмайди. У ҳам ёзувчи каби кечинмалари ҳақида ҳикоя қилади, гувоҳ бўлган воқеаларига ошно этишини, муҳаббатини изтиробини сўзлаб беришни истайди.

Пикассонинг "Герника"сига назар солинг... Бу аслида инсоният фожеси ҳақидаги ҳикоя эмасми!? Камолдин Бехзоднинг "Дарвешлар рақси"га боқинг... Унда чексиз само қаърида абадий жумбоқларига жавоб излаётган инсон тафаккури ҳақида дoston яширинмаганими? Бордию шунда ҳам шубҳалансангиз, устоз Чингиз Аҳмаров асарларига разм солинг... Улар ҳазрат Навоий яратган дostonларнинг тасвирдаги аксидир. Зеро, сўз ҳам, тасвир ҳам тасаввур дарахтининг меъваси. Ҳар иккиси мазмун учун либосдир.

Эҳтимол, мухлислар учун рассомнинг қайси йўналишда ижод қилиши муҳимдир. Ростини айтсам, бу масала мени ҳеч қачон безовта қилмаган. Агар мухлислар "Ўзингизни қайси рассомлар сафига қўйасиз?" деб сўрашса, уларга сира иккиланмай "Рассом ҳиконависман" дея жавоб бераман. Картинада ўз сўзимни айтишим, юрагимни тирнаётган ўй-мулоҳазаларни баён қилишим зарур. Афсуски, рассом қаламига мансуб ҳикоялар доим ҳам томошабинга тушунарли бўлавермайди.

Ватанпарварлик ниҳоятда нодир туйғу бўлишига қарамай, уни барчага кўз-кўз қилинадиган

Учрашув

қимматбаҳо заргарлик буюмига айлантирмаслик керак. Мўқаддас китобларда "Ватанин севмоқ ймондандир" деб бежизга айтилмаган. Чинакам ватанпарварлик ҳамиша инсон эътиқоди билан боғлиқ. У тилда эмас, қалбда яшайди. Ватанпарварлик ниҳоятда шахсий ҳиссиёт. У ҳақида барчага мактабни гапириш одобдан эмас...

Она юртга муҳаббат туйғуси рассом ижодида қандай аҳамиятга эга? Бу саволга жавоб топиш бир қарашда осон бўлиб туюлар. Қайсики рассом мафтункор она табиат манзаралари-

авлоди эканимизни доимо таъкидлашдан сира чарчамаймиз. Ўрни келса мактабимизни ҳам дундирамиз. Аммо баъзи ҳаёллар менга тинчлик бермайди. Рассом бўла туриб буюк аждодларимиз аъналарини давом эттиришга қандай ҳисса қўшимиз? Аслида тарихий ҳақиқатни тиклаш, буюк мусаввирлар ижодини ҳалқимизга қайтариш нафақат мутахассислар, балки ижодкорларнинг ҳам бурчидир.

Бағрикенглик рассомга хос энг ноёб фазилатдир. Бағрикенг рассом қанчалик улкан ижодкор бўлмасин, кўёш нурига интилаётган ниҳолларга, яъни ёш мўқалам соҳибларига соя солмайди. Аксинча, уларнинг улғайишига кўмак беришни бур-

ни кўп чизса, демак, унда ватанпарварлик туйғуси кучли бўлади, деб ўйлаганлар адашади. Масалан, Сальвадор Дали "Мен тақдирдан икки нарсача учун — испан бўлиб туғилганим ва Сальвадор Дали эканимга миннатдорман", дея таъкидлаган. Ваҳоланки, Дали ҳаётининг катта қисмини она юртинда йироқда яшади.

Шуниси ҳам борки, Ватанга муҳаббатни, Ватандан йироқда, айниқса, кучли ҳис қиласан. Хориж кўргазмаларида мунтазам иштирок этганим сабабли бу туйғу менга таниш. 2012 йили Парижда "Сўзлар" номли шахсий кўргазмам ташкил этилди. Табиийки, Франция пойтахтида бир қанча муддат яшашимга тўғри келди. Жаҳон тасвирий санъатининг юраги ҳисобланган Париж ҳар қандай ижодкорни ўзига мафтун этишга қодир. Жўшқин ижодий муҳит, нодир асарларга бой галереялар мени гўё сеҳрлаб қўйди. Машхур музейлардан бирини зиёрат қилиш чоғида кўзимни таниш ранглар қилоси қамаштирди. Не кўз билан қўрайки, экспозиция марказида маргилон атласи турибди. Атласнинг барча турлари билан яқиндан таниш бўлсам-да, жаннатмонанд юртимизнинг ёрқин рангларини акс эттирувчи тўзал мато жозибаси бутун вужудимни яйратиб юборди. Маргилон атласидан бошқа барчаси, ҳашаматли саройлар, машхур ижодкорлар нодир санъат асарлари бегонадек туюлди.

Париж шаҳрининг шарқий қисмида Пер-Лашез деб номланган машхур қабристон бор. Унда дунё таниган кўпплаб санъаткорлар дафн этилгани сабабли, зиёратчиларнинг кети сира узилмайди. Ана шу ерда қизик бир ҳолатга дуч келганман. Пер-Лашезда XX асрнинг энг буюк хонандаларидан бири Эдит Пиаф қабри жойлашган. Қора мрамор билан безатилган ҳашаматли ёдгорлик атрофи ҳамиша гавжум, ҳар кун янги гуллар дастаси олиб келинади. Унинг рўпарасида эса буюк италян рассоми Амедео Модильянининг оддий, даб-дабадан йироқ қабр тоши бор. Кўпчилик зиёратчилар унинг олдида эътиборсиз ўтади. Назаримда, парижликларнинг аксар қисми бу ерда Пикассо билан елкама-елка ижод қилган даҳо дафн этилганини билмайди. Модильяни қашшоқликда ҳаёт кечиргани сабабли муносиб қабр тоши учун маблаг топилмаган. Ваҳоланки, италян рассоми яратган картиналарни бугун жаҳоннинг машхур галереяларида ҳам учратиш қийин. Деярли барчаси шахсий коллекцияларда сақланади. Улар шу қадар қиммат баҳоланганки, ҳатто сотувга ҳам қўйилмайди.

Майли, Ғарб санъатидаги ноқисликларни кўя турайлик. Камолдин Бехзод, Мир Саид Али, Мухаммад Мурод Самарқандий каби буюк мусаввирлар

чи деб билади. Омадимни қарангки, тақдир мени ана шундай юксак фазилатли ижодкорлар билан юзлаштирди. Улар орасида бир инсон борки, ҳали бундай қалби дарё ижодкорни учратганим йўқ.

Рассомлик институтини эндигина тамомлаган ёш йигитчаман. Битирувчи талабалар орасида менинг асаримни ҳам Бадиий академиянинг катта залида ташкил этиладиган аънавий кўргазмага танлаб олишди. Негадир, кўргазманинг ёпилиш маросимига боришни истамдим. Намойиш иштирокчилари тақдирланган кунни уйга одатдиган кўра кеч қайдим. Онам мени бир одам сўраб келганини, ҳамон кўтиб турганини айтди. Кўчага чиқиб қарасам, маҳалламиз олдида нотаниш қора "Волга" турибди. Қўтилмаганда машинадан устоз рассом Чингиз Аҳмаров тушиб келди. "Бобур сенгизми?" деди Чингиз ака босиқ овозда. "Ҳа" дея жавоб қайтаришга улгурмасимдан "Нега кўргазмага келмадинг?" Сенинг картинанг барчага манзур бўлди. Изланишдан тўхтама, мен истейдодинга ишонаман. Албатта катта рассом бўлиб етишасан", дея қўлимга фахрий ёрлик ва мукофот пулини тутқази. Ўша пайт юрагимдан қандай туйғулар кечганини сўз билан ифодалаб беролмайман. Қаршимда Чингиз акадек ижодкор турганини ақлимга сиғдирилмасдим. Сўхбатимиз яна бир неча дақиқа давом этди. Устоз мени яратган картина услуби, унинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида қимматли фикрларини айтиб, хайлашди.

Кейинчалик билсам, мазкур воқеа тасодифан юз бермаган экан. Картинам совринга лойиқ топилишига қарамай, тақдирлаш маросимида иштирок этмаганим ҳакамлар хайъати раиси — Чингиз Аҳмаровни ҳавотирга солган. Наҳотки, катта ижод оламига эндигина қадам қўйган ёш рассом йўлини йўқотган, санъатга меҳри сўнган бўлса, деган шубҳа уйғонган. Ижодкорга ҳос инсонийликни қарангки, ҳали рассом сифатида ҳам тан олинмаган ёш йигитчанинг уйига келиб, шахсан таъриқлаш малол келмаган. Чунки Чингиз ака санъатнинг асл фидойиси эди.

Албатта, рассом бўлиб шаклланишда кўпгина ижодкорларнинг хизмати бор. Уларнинг барчасидан миннатдорман. Бироқ мен устоз деб билган мусаввирлар орасида Чингиз аканинг ўрни бўлакча. У киши менга чинакам рассомга хос бағрикенглик қандай бўлишини ўргатган. Ижоднинг паст-баланд йўлларида устоз сабоқлари менга ҳамиша куч бағишлади, эзгулик, адолат галабасига ишонч уйғотди. Чингиз аканинг ўша тунда айтган сўзлари чексиз санъат уммонида йўлчи юлдузига айланди.

Азиз ИМОНОВ суҳбатлашди.

Бобур ИСМОИЛОВ 1973 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 1996 йил Санъат институтининг театр рассомлиги бўлимини тугатган. Республика ва халқаро кўргазмаларнинг доимий иштирокчиси. 2012 йил Парижда "Сўзлар" номли шахсий кўргазмаси ташкил этилган. Дастгоҳли рангтасвир билан бир қаторда кино ва театр рассоми сифатида ҳам фаол ижод қилиб келмоқда.

ШУКРОНА

Президентимизнинг Ўзбек миллий театри ташкил тоганининг 100 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарори нафақат театр санъатига дахлдор одамларга, балки халқимизга ҳам катта қувонч бағишлади. Буни биз юртимизнинг турли гўшалари бўйлаб ўтказилаётган сафарларда, учрашувларда яққол ҳис қилаёلمиз. Одамларнинг бизга муносабатидан, юз-кўзларида порлаётган меҳр-муҳаббат ва қувончдан уларнинг театр санъати ва санъаткорларни нақадар яхши кўришлари сезилиб турибди. Бундай муносабат, шубҳасиз, ҳар қандай ижодкорга гурур бағишлайди.

Юртимиз бўйлаб айланиб юрарканмиз, Истиклол йилларида амалга оширилган ишлардан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Ҳамма соҳаларда юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар ҳар қадамда сезилиб турибди. Айниқса, вилоятларимизда қад кўтарган санъат қошоналари, янги қурилган ёки қайта таъмирланган театрлар кўзалари яшнатади. Масалан, Бухоро, Қашқадарё, Андижон театрларининг кўриниши, замонавий дизайни, санъаткорларга яратилган шарт-шароитлар ҳеч бир пойтахт театриникидан кам эмас.

Вилоятларда қурилган санъат ва маданият коллежлари, санъат мактабларида минг-минглаб ёш истеъдодлар камол топаёпти. Қашқадарёдаги бир санъат мактабидagi синфхоналари, машғулот ўтадиган жойларни, мактабда тўпланган турли чолғу созларини кўриб, келажагимиз ёгаларига ҳавасим келди. Ёш-ёш болачалар ўзбек халқ куйларини маҳорат билан чақиб берганларида, айниқса, ўзлари ёзган куйни соҳада ўзлари ижро этиб берганларида қалбларимиз гурурга тўлди.

Бугун кўп соҳаларда жаҳон билан бўйлашаётган, санъати ва маданиятини дунё сахналарида намойиш этаётган Ўзбекистон ана шундай бўлиши керак. Она юртимизни бир кўриш иштиёқида бу ерга келаётган сайёҳлар ниҳоятда қисқа муддатда замонавий қиёфа касб этаётган шаҳар-кишлоқларни, спорт мажмуаларини, турли кўнгилочар масканларни кўриб, ҳайрат ва ҳаяжонларини яширолмаётгандир.

Истиклол туфайли қадриятларимизнинг тикланиши, юртимизда кечаётган оламшумул ислохотлар биз санъаткорларга илҳом бағишлаши турган гап. Шахсан ўзим, оддий ўзбек аёли ижодим мустақиллик би-



Дил изҳори

Гуллаб-яшнаб бораётган юртимиз чиройига кўз тегмасин. Ҳар окшоми байрамона, кайфияти баян инсонлар билан тўлиқ истироҳат боғларимиз, маданият саройларига театрларимиз ҳамиша истиклолни тантана қиларевсин. Биз санъаткорларга эл эътиборида, олиқилар остида ижод қилиш бахти ҳамиша насиб этаверсин.

Куртакларнинг кўзида, Очилган гул юзида, Момадорнинг сўзида Шукрона бор, шукрона.

Қушларнинг сайроғида, Озодлик байроғида, Ҳар гўша, ҳар боғида Шукрона бор, шукрона.

Яйра, яшна давлатим, Меҳрга бадавлатим, Ватанга муҳаббатим — Шукронадир, шукрона!

Раъно ЯРАШЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

ЛАТВИЯ МАНЗАРАЛАРИ

Тошкент Фотосуратлар уйида олимлар, рассом ва мутахассислар, талабалар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида латвиялик таниқли рассом Валдис Бушнинг ижодий кўргазмаси очилди. Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Бадиий академия ва Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур экспозициядан рассомнинг манзара жанрига доир ўттизга яқин асарлари ўрин олган.

Тадбирда сўзга чиққан Бадиий академия раиси Акмал Нуриддинов ва Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги Факултетада ва муҳтор элчиси Эдгарс Бондарс ва бошқа иштирокчилар давлатларимиз ўртасидаги иқтисодий-маданий ҳамкорлик ривожланиб бораётганига тўхталиб, мазкур кўргазманинг ўзига хослиги ҳақида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро маданий алоқаларнинг мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Юрмалада яшаб ижод қилган Валдис Буш асарлари дунёнинг йилгирмага яқин мамлакатларида намойиш этилган. Рассом ижодида она юрти — Латвиянинг сўлим табиа-



тига бағишланган асарлар кўпчиликини ташкил этади. Унинг манзараларида фотографияга хос аниқлик йўқ, асосийси, кайфият ва лаҳзанинг ҳиссий инъикосидир. Ёрқин рангларга тўйинган асарларда қуёш, замин, сув, осмон, дарахтлар ўзига хос тарзда акс этган. "Баҳор келмоқда", "Ер кучи", "Дарахтлар", "Қуз", "Балиқ қовди" каби картиналари томошабинларда ёрқин таассурот қолдириши табиий.

Сарвара КОСИМОВА

